

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

(Узбекистон Республикаси
Ичкаи ишлар Вазирлиги
2-сон Тошкент Академик лицейи)

Бобоёров М.О
Тошкент давлат Шарқшунослик
университети талабаси
Очилов Маъруф Марат угли

Маълумки, жамият тараккиётининг қонуниятларига асосан ҳеч бир ижтимоий жараённи унинг бошка ижтимоий жараёнлар билан ўзароалокадорлигини ҳисобга олмасдан тўғри тавсифлаш мумкин эмас. Бу жамиятимиздаги салбий ижтимоий жараёнлардан бири жиноятчиликка ҳам тўла алокадордир. Жиноятчиликнинг мавжудлиги, унинг тадрижий ривожи ва тузилиши айрим ижтимоий шартшароитлар билан белгиланади, яъни мазкур шароитларнинг замон ва макондаги ўзга риши жиноятчиликнинг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Макондаги, бошқача айтганда, худуддаги мавжуд ижтимоий шарт- шароитлар орасидаги фарклардан бири-шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги номутаносиблиkdir. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги ижтимоий шарт шароитларнинг турличалиги сабабли уларда содир этиладиган жиноятчилик ҳам тубдан бир-биридан фарқ килади. Жиноятчиликнинг ахволи, унинг даражаси, микдор ва сифат кўрсаткичлари оркали республикамиз худудларида содир этиладиган криминоген вазиятлар аникланиб, улар бир-бири билан таққосланади ва баҳоланади.

Жиноятчиликнинг криминологик жиҳатдан тавсифини берувчи асосий хусусиятларидан бири унинг географияси, яъни унинг қайси худудларда содир этилганлигини аниклаш ҳисобланади. Жиноятчиликнинг географиясини аниклаш, уни таҳлил этиш оркали, аҳолининг таркибий қисмига қараб содир этиладиган жиноятларнинг маъмурий минтақаларга ва аҳоли пунктларига тақсимланиши ўрганилади. Бу эса, ўз навбатида, хукуқ-тартибот органларига қайси худудда жиноятчиликнинг ўсиши ёки камайиши, уларнинг содир этилишидаги ўзига хос сабаб ва шароитларнинг мавжудлигини аниклашга, уларга қарши самарали профилактик чоратадбирларни белгилашга ёрдам беради.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси маъмурий минтақалари қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга келиб-кетиши оммавий тус олдан мокда. Бу аввало, шаҳарларда уларнинг ўқиши, ишлиши ёки майший турмуш муаммоларини ҳал этиши билан боғлиқ бўлиб, маълум дара- жада қишлоқ аҳолисининг ижтимоий фойдали фаолият билан банд бўлишига ёрдам берса-да, бирок шаҳарларда, айниқса, маъмурий марказий шаҳарлардаги криминоген вазиятнинг янада кескинлашишга олиб келмоқда.

Ўзига хос табиий шарт-шароитларга эга бўлган республикамиз аҳолисининг асосий қисми бугунги кунда қишлоқ худудларида яшамоқда. Ўзбекистон Республикаси

статистик қўмитасининг маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимиз ахолининг 58-60% кишлоқ ларда, 40-42% шахарларда ёки шахар типдаги кургончаларда истекомат килмокдалар. Бирок мамлакатимизда унчалик тез булмаса-да урбанизация жараёни кечмокда, яъни кишлоқ ахолисининг шахар минтаъкаларига кучиб келиши, турли йуллар билан жойлашиб колиши кузатилмоқда. Бу жараённинг асосий омилларидан бири – мамлакатимиздаги ахоли таркибининг ёшариб бораётканлиги, уларнинг иш, укиш ва бошка турдаги ижтимоий фойдали фаолият билан мутасадди ташкилотлар томонидан объектив тарзда таъминламай колиши холати билпн boglikdir.

Бугунги кунда мамлакатимиз худудида 120 та шаҳар, 1071 шаҳарча, 12 та вилоят ва республика миқёсидаги маъмурий марказий шаҳарлар, 11 мингдан ортик кишлоқ ва овуллар мавжуд бўлиб, юкорида таъкидлаганимиздек, жами содир этилган жиноятларнинг 60% дан ортикроғи шаҳарлар худудида содир этаётгани кузатилмоқда. Буни Ўзбекистон Республикарси ИИВ Ахборот марказидаги жиноятчиликнинг худудлараро таркалиши бўйича олиб бориладиган статистик маълумотлар таҳлили ҳам тасдиклайди. 2020 йилда жами жиноятларнинг 27, % шаҳарчалар ва посёлка типидаги шаҳарчаларда, 38,8% маъмурий марказий шаҳарларда, 34, % эса қишлоқ худудларида содир этилган.

Социологик тадқиқотлар жараёнида ушбу худудларда содир этилган жиноятларнинг орасида ҳам бир мунча тафовут борлиги сезилди. Маъмурий марказий шаҳарлар худудларида содир этилган жиноятлар таркибида оғир ва ўта оғир жиноятларнинг, жумладан номусга тегиш ва сукласд қилиш, қотиллик, ўғирлик, босқинчилик, гиёҳвандлик воси таларининг ноқонуний тарзда айланиши билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бораётган бўлса, айни вақтда қишлоқ худудларида содир этилган жиноятлар таркибида бу турдаги жиноятлар бир мунча камрок бўлиб, мол ўғирлиги, майший турмуш соҳасидаги жиноятлар сонининг кескин ошиб кетаётганлиги кузатилди кузатилди.

Худудлардаги жиноят содир этган шахслар таркиби ҳам ўзига хосдир. Агарда шаҳар худудларида содир этилган жиноятларда катта ёш даги эркаклар 80 %, аёллар 3 %, вояга етмаганлар 8,6% ни ташкил этган бўлсалар, қишлоқлардаги қайд этилган жиноятларда катта ёшдаги эркаклар 89,7%, аёллар 2,6%, вояга етмаганлар 7,7% кўрсаткични ташкил этди. Шундан келиб чикиб, шаҳар ва қишлоқ худудларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чораларини белги лашда у ерлардаги ижтимоий муҳитнинг ранг-баранглиги, шарт-шароитларини ҳисобга олиш, нафақат ички ишлар органлари томони-дан олиб бориладиган профилактик тадбирларни жонлантириш, балки ахолининг турли таркибидан ташкил топган жойлардаги маҳалла кўмиталари, аёллар кенгashi, оқсоқоллар кенгashi, ярашув комиссияла-ри, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, маҳалла посбонлари, шунингдек бошка турдаги жамоатчилик ташкилотларининг фаоллиги ни ҳам ошириш мақсадга мувофиқидир.